

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

Рўйхатга олинди
№_____
201____ йил

Ўзбекистон Республикаси Олий ва
ўрта маҳсус таълим вазирининг
201____ йил “____” _____ даги
____ - сонли буйруғи билан
тасдиқланган.

“Технологик машиналар ва жиҳозлар” (технологиялар ва жиҳозлар)

йўналиши бўйича олий таълим муассасалари педагог кадрларини
қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курсининг ўқув дастури

Тошкент – 2015

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ

*Қайта тайёрлаш ва малака ошириш ўқув дастури Олий ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълими йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашининг
201_____йил _____даги _____ - сонли баённомаси билан
маъқулланган.*

Тузувчилар: “Олий таълимнинг норматив-ҳуқуқий асослари” модули: с.ф.д., проф. И. Эргашев, ю.ф.н., доц. В.Топилдиев.

“Илғор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат” модули: п.ф.д., проф. Н.А.Муслимов, п.ф.н. М.Т.Мирсолиева, п.ф.н., доц. М.Усманбаева, А.Исянова.

“Таълим жараёнида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш” модули: ф-м.ф.н., доц. Х.Холмедов, ф-м.ф.н., доц. Д.Иргашева, катта ўқитувчи В. Ҳамидов.

“Амалий хорижий тил” модули: Ўзбекистондаги Британия Кенгашининг етакчи мутахассислари, катта ўқитувчи У.Гиясова.

“Тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари” модули: с.ф.д., проф. С.Жўраев, т.ф.д., проф. С.А. Абдураҳимов, п.с.ф.н. Х.М.Алимов.

Маҳсус фанлар бўйича:

“Технологик машиналар ва жиҳозларни лойиҳалаш асослари ва ишлаб чиқариш” модули: катта ўқитувчи М.А.Жураев

“Машина ва жараёнлар пухталигининг назарий асослари” модули: катта ўқитувчи Д.А. Инагамов.

“Машинасозликда сифатни бошқариш” модули: т.ф.д., проф., Д.Е. Адикулов.

Тақризчилар: ТДТУ “Материалшунослик ва янги материаллар технологияси” кафедраси мудири, доцент Ш.А.Каримов.
“Инглиз тили” кафедраси мудири Ф.Икромхонова.

Ўқув дастури Тошкент давлат техника университети Илмий кенгашининг қарори билан тасдиққа тавсия қилинган (2015 йил _____даги - сонли баённома).

Кириш

Дастур Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сон Фармонидаги устувор йўналишлар мазмунидан келиб чиқсан ҳолда тузилган бўлиб, у замонавий талаблар асосида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг мазмунини такомиллаштириш ҳамда олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий компетентлигини мунтазам ошириб боришни мақсад қилади.

Дастур мазмuni олий таълимнинг норматив-хуқуқий асослари ва қонунчилик нормалари, илғор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат, таълим жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш, амалий хорижий тил, тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари, маҳсус фанлар негизида илмий ва амалий тадқиқотлар, технологик тараққиёт ва ўқув жараёнини ташкил этишнинг замонавий услублари бўйича сўнгги ютуқлар, педагогнинг касбий компетентлиги ва креативлиги, глобал Интернет тармоғи, мультимедиа тизимлари ва масофадан ўқитиши усулларини ўзлаштириш бўйича билим, кўникма ва малакаларини шакллантиришни назарда тутади.

Дастур доирасида берилаётган мавзуулар таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлигига қўйиладиган умумий малака талаблари ва ўқув режалари асосида шакллантирилган бўлиб, бу орқали олий таълим муассасалари педагог кадрларининг соҳага оид замонавий таълим ва инновация технологиялари, илғор хорижий тажрибалардан самарали фойдаланиш, ахборот-коммуникация технологияларини ўқув жараёнига кенг татбиқ этиш, чет тилларини интенсив ўзлаштириш даражасини ошириш ҳисобига уларнинг касб маҳоратини, илмий фаолиятини мунтазам юксалтириш, олий таълим муассасаларида ўқув-тарбия жараёнларини ташкил этиш ва бошқаришни тизимли таҳлил қилиш, шунингдек, педагогик вазиятларда оптималь қарорлар қабул қилиш билан боғлиқ компетенцияларга эга бўлишлари таъминланади.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда долзарб масалаларидан келиб чиқсан ҳолда дастурда тингловчиларнинг маҳсус фанлар доирасидаги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларига қўйиладиган талаблар ўзгартирилиши мумкин.

I. Олий таълимнинг норматив-хуқуқий асослари

- 1.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарларида жамият ривожи ва таълим-тарбия масалалари.
- 1.2. Таълим-тарбия жараёнларини ташкил этишнинг қонунчилик нормалари.

II. Илғор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат

- 2.1. Инновацион таълим технологиялари.
- 2.2. Педагогик компетентлик ва креативлик асослари.

2.3. Замонавий таълим ва инновацион технологиялар бўйича илғор хорижий тажрибалар.

III. Таълим жараёнида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш

3.1. Таълимда мультимедиа тизимлари ва масофавий ўқитиш методлари.

3.2. Электрон педагогика асослари ва педагогнинг шахсий, касбий ахборот майдонини лойихалаш.

IV. Амалий хорижий тил

4.1. Амалий хорижий тилни ўрганишнинг интенсив усуллари.

V. Тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари

5.1. Тизимли таҳлил асослари.

5.2. Олий таълим жараёнини бошқаришда қарор қабул қилиш технологиялари.

VI. Махсус фанлар

6.1. Технологик машиналар ва жиҳозларни лойихалаш асослари ва ишлаб чиқариш.

6.2. Машина ва жараёнлар пухталигининг назарий асослари.

6.3. Машинасозликда сифатни бошқариш.

VII. Педагогик амалиёт

VIII. Малакавий аттестация

Курснинг мақсади ва вазифалари

Олий таълим муассасалари педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курсининг **мақсади** педагог кадрларнинг ўқувтарбиявий жараёнларни юксак илмий-методик даражада таъминлашлари учун зарур бўладиган касбий билим, кўникма ва малакаларини мунтазам янгилаш, малака талаблари, ўкув режа ва дастурлари асосида уларнинг касбий компетентлиги ва педагогик маҳоратини доимий ривожланишини таъминлашдан иборат.

Курснинг **вазифалари**га қўйидагилар киради:

“Технологик машиналар ва жиҳозлар (технологиялар ва жиҳозлар)” йўналишида педагог кадрларнинг касбий билим, кўникма, малакаларини узлуксиз янгилаш ва ривожлантириш механизмларини яратиш;

замонавий талабларга мос ҳолда олий таълимнинг сифатини таъминлаш учун зарур бўлган педагогларнинг касбий компетентлик даражасини ошириш;

педагог кадрлар томонидан замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва хорижий тилларни самарали ўзлаштирилишини таъминлаш;

махсус фанлар соҳасидаги ўқитишнинг инновацион технологиялари ва илғор хорижий тажрибаларни ўзлаштириш;

“Технологик машиналар ва жиҳозлар (технологиялар ва жиҳозлар)” йўналишида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг фан ва ишлаб чиқариш билан интеграциясини таъминлаш.

Курс якунида тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакалари ҳамда компетентлигига қўйиладиган талаблар:

“Олий таълимнинг норматив-хуқуқий асослари”, “Илғор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат”, “Таълим жараёнида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш”, “Амалий хорижий тил”, “Тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари” модуллари бўйича тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар тегишли таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлиги ҳамда компетентлигига қўйиладиган умумий малака талаблари билан белгиланади.

Махсус фанлар бўйича тингловчилар қуидаги янги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларга эга бўлишлари талаб этилади:

Тингловчи:

- технологик тизимларнинг сифат кўрсаткичларини;
- машина ва жиҳозларнинг бузилиш сабабларини;
- станоклар ва станоклар комплексларини;
- синов усуллари ва натижаларини;
- синовни ташкил қилиш ва маълумотлар тўплаш тизимини;
- машина ва жараёнлар пухталигини ошириш усулларини;
- конструкторлик ва технологик усулларни;
- машина ва жараёнлар тизимини резервлаш усулларини **билиши** керак.

Тингловчи:

- технологик жиҳозларнинг сифат кўрсаткичларини тузиш;
- технологик жиҳозларнинг сифатини баҳолаш;
- технологик жиҳозларни автоматик бошқариш тизимини ишлаб чиқиш;
- технологик жиҳозларнинг техник характеристикаларини қиёсий таҳлил қилиш;
- машинасозлик технологияси соҳасидаги технологик машина ва механизмлардан фойдаланиш;
- технологик жиҳозларнинг функционал имкониятларини таҳлил қилиш;
- станоклар ва станоклар комплексларини синаш;
- технологик жиҳозларнинг сифатини назорат қилиш **кўникмаларига** эга бўлиши лозим.

Тингловчи:

- технологик жиҳозларни оптimal бошқаришнинг мезонлари асосида фаолиятни ташкил этиш;
- параметрик бузилишлар оқими кўрсаткичларини аниқлаш;

- математик моделлар асосида технологик тизимларни бошқаришнинг автоматик бошқариш тизимларини яратиш;
- машинасозлик технологияси самарадорлигини оширишда замонавий усул ва услубиятлардан фойдаланиш;
- технологик машиналарни лойихалаш тизимини амалга ошириш;
- технологик жиҳозларнинг пухталигини ва сифатини баҳолаш ва аниқлай олиш **малакаларига** эга бўлиши зарур.

Тингловчи:

- шпинделнинг айланишлар частотасининг чегаравий қийматларини аниқлаш;
- технологик машина ва жиҳозларнинг пухталигини баҳолаш;
- синовни ташкил қилиш ва маълумотлар тўплаш;
- доимий ва ўрин алмаштириб резервлаш;
- технологик тизим элементларининг математик моделларини яратиш;
- маҳсулот сифатини таъминлашга сарфланган харажатларнинг лойиха сифати билан боғланиш **компетенцияларига** эга бўлиши лозим.

Курс ҳажми

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курси 288 соатни ташкил этади. Ўқув юкламаси ҳафтасига 36 соат этиб белгиланган. Қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналиши бўйича таълим дастурларини тўлиқ ўзлаштирган ва Аттестациядан муваффақиятли ўтган курс тингловчиларига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги ПФ-4732-сон Фармонининг З-иловаси билан тасдиқланган давлат намунасидаги малака аттестати берилади.

“Технологик машиналар ва жиҳозлар (технологиялар ва жиҳозлар)” йўналиши бўйича қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсининг ўқув модуллари ва уларнинг мазмуни

I. Олий таълимнинг норматив-хуқуқий асослари

1.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарларида жамият ривожи ва таълим–тарбия масалалари.

Инсон онг ва тафаккурининг янгиланиши жамият ривожланишининг муҳим омили сифатида. Глобаллашув ва ижтимоий-маънавий ҳаётдаги ўзгаришлар тенденцияси ва истиқболлари.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Озод ва обод Ватан эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз”, “Юксак маънавият – енгилмас куч, “Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида”, “Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш йўлида”, “Ватанимизнинг босқичма-босқич ва барқарор ривожланишини таъминлаш – бизнинг олий мақсадимиз”, “Демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш- мамлакатимиз

таракқиётининг асосий мезонидир” ва бошқа асарларида жамият ривожи ва таълим-тарбия масалаларининг ёритилиши.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишлиланган маъruzаларида таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимини модернизациялаш билан боғлиқ вазифаларнинг белгиланиши.

1.2. Таълим-тарбия жараёнларини ташкил этишининг қонунчилик нормалари.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тушунчаси ва турлари. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ишлаб чиқиш ва амалга киритиш тартиби. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. “Таълим тўғрисида”ги Конун. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг босқичлари ва асосий йўналишлари.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 20 майдаги “Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1533-сон Қарори, 2012 йил 24 июлдаги “Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-4456-сон Фармони, 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сон Фармони ва бошқалар.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 5 январдаги “Узлуксиз таълим тизими учун давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш тўғрисида”ги 5-сон Қарори, 1998 йил 5 январдаги “Узлуксиз таълим тизимини дарсликлар ва ўкув адабиётлари билан таъминлашни такомиллаштириш тўғрисида”ги 4-сон Қарори, 2001 йил 16 августдаги “Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 343-сон Қарори, 2006 йил 10 февралдаги “Олий таълим муассасасига педагогларни танлов асосида ишга қабул қилиш тартиби тўғрисида”ги Низомни тасдиқлаш хусусидаги 20-сон Қарори, 2012 йил 26 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 278-сонли Қарори, 2015 йил 10 январдаги “Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида” 2001 йил 16 августдаги 343-сон Қарорига ўзgartириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги 3-сон Қарори ва бошқалар.

Давлат таълим стандартлари, ўкув режалари ва фан дастурлари тушунчаси ва уларга қўйиладиган талаблар. “Олий таълим муассасаларида талabalар билимини назорат қилиш ва баҳолашнинг рейтинг тизими тўғрисида”ги Низом. “Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари талabalарининг малакавий амалиёти тўғрисида”ги Низом. “Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари битирувчиларининг якуний давлат аттестацияси тўғрисида”ги Низом. Олий таълим муассасаларида мустақил таълимни ташкил этиш тартиби тўғрисида”ги Низом. “Магистратура

тўғрисида”ги Низом. “Очиқ лекцияларни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисида” ги Низом ва бошқа меъёрий хужжатлар.

II. Илғор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат

2.1. Инновацион таълим технологиялари.

Олий таълим тизимини модернизациялашнинг устувор йўналишлари. Инновацион таълим технологияларининг моҳияти, турлари ва назарий асослари, инновацион жараёнларнинг кечиш босқичлари. Педагогик технологиянинг таснифи, қонуниятлари, тамойиллари ва мезонлари.

Олий таълим муассасаларида ўқув жараёнини ташкил этишининг инновацион шакл, метод ва воситалари. Таълим-тарбия жараёнини технологиялаштириш асослари. Очиқ маъруза, амалий машғулотларни лойихалаштириш, ташкил этиш.

Шахсга йўналтирилган таълим технологияларининг мазмуни, йўналишлари. Таълим олувчиларнинг билиш фаоллигини фаоллаштириш ва жадаллаштириш асосидаги таълим технологиялари: амалий ўйинлар, муаммоли ўқитиши, табақалаштирилган ўқитиши ҳамда интерфаол таълим методларидан ўқув-тарбия жараёнида фойдаланиш. Ўқув лойихаларини ишлаб чиқиши, портфолиоларни шакллантириш ва амалиётга татбиқ этиш. Электрон ўқув модуллари. Силлабус, кейслар банкини яратишга қўйиладиган дидактик талаблар.

2.2. Педагогик компетентлик ва креативлик асослари.

Педагог касбий компетентлигининг тузилиши ва мазмуни. Педагогнинг психологияк, методик, информацион, креатив, инновацион компетентлиги мазмун-моҳияти. Педагогик маҳорат асослари ва таркибий қисмлари. Ўқитувчининг коммуникатив компетентлиги, педагогик жараёнда мулокот услубларини тўғри танлаш ва улардан самарали фойдаланиш. Педагогик деонтология. Нутқ техникаси ва маданияти. Аудиторияда шахслараро муносабатларни самарали ташкил этиш ва гурухни оптималь бошқариш. Педагогик низоларни самарали ҳал этиш йўллари. Замонавий педагог имиджи ҳамда ўқитувчининг ўз-ўзини касбий ва шахсий такомиллаштириб бориши.

Креативлик - педагогик ижодкорликнинг асоси сифатида. Олий таълим педагог кадрларининг креатив потенциали тушунчаси ва моҳияти. Педагогларда креатив компетентликни шакллантиришнинг зарурий шарт-шароитлари, моделлари. Касбий фаолиятда позитив-фаол мотивация ва педагог кадрларнинг креатив потенциалини баҳолаш мезонлари. Таълимни ахборотлаштириш шароитида педагог кадрларнинг креатив имкониятларини баҳолаш мезони.

2.3. Замонавий таълим ва инновацион технологиялар бўйича илғор хорижий тажрибалар.

Ўқув жараёнини ташкил этиш ва унинг сифатини таъминлаш борасидаги илғор хорижий тажрибалар, замонавий ёндашувлар. Замонавий таълим ва инновацион технологиялар соҳасидаги илғор хорижий тажрибалар:

модулли-кредит тизими, blended learning (аралаш ўқитиши), case study (кейс стади), масофали ўқитиши, маҳорат дарслари, вебинар, эвристик методлар ва бошқ. Замонавий таълимда тьюторлик, супервизорлик ва модераторлик фаолияти. Педагогик фасилитация-таълимда натижавийликни таъминлашдаги муҳим омил сифатида. Талабалар билимини баҳолашнинг ассесмент технологиялари.

III. Таълим жараёнида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш

3.1. Таълимда мультимедиа тизимлари ва масофавий ўқитиши методлари.

Мультимедианинг компонентлари. Мультимедианинг бажарилиш шартлари. Мультимедианинг дастурий таъминоти. Мультимедиа компонентларини солиштириш. Сақловчи технологиялар. CD-ROM, CD, DVD, HD DVD, Blu-ray. Мультимедиа файл форматлари. Мультимедиа плейерлари. Мультимедианинг қўлланилиши. Видео конференция. Медиа соҳалари. Рақамли аудио. Аудио файллар. Самплинг методи. Файлларни сақлаш усули. Аудио ва видеони таҳрирлаш. Мультимедиали электрон нашрлар (ўқув фильмлари, электрон дарсликлар).

Электрон таълим ресурслари ҳақида тушунча. Масофавий ўқитища электрон таълим ресурсларини яратиш тамойиллари. Мультимедиали маъruzалар категориялари, Муаллифлик дастурий таъминотларидан фойдаланган ҳолда электрон таълим ресурсларини яратиш.

Масофали ўқитишининг назарий ва дидактик асослари. Масофавий таълимни ташкил қилиш усуллари. Масофавий таълим жараёнини амалга ошириш босқичлари. Таълимда эркин ва очиқ кодли дастурий таъминотлар таҳлили. LMS тизимларининг асосий функциялари.

Moodle тизимида ўқув жараёнини, жорий, оралиқ ва якуний назорат турларини ташкиллаштириш. Moodle тизимида ўқув контентларни шакллантириш ва бошқариш.

Оммавий онлайн очиқ курслар (Soursera, edX, Khan akademiyasi, MIT Open Course Ware).

3.2. Электрон педагогика асослари ва педагогнинг шахсий, касбий ахборот майдонини лойиҳалаш.

Педагогик жараёнда ахборот-коммуникация ва интерактив технологияларидан фойдаланиш. Таълимий Интернет ресурслари ва улардан ўқув жараёнида фойдаланиш. Интернет тармоғининг асосий хизматлари. Ziyonet.uz ва бошқа таълим порталлари ресурслари билан ишлаш. Интернет тармоғида педагогларнинг, талабаларнинг электрон мулокот муҳитида жамоа бўлиб ишлаш шакллари. Блог, форум ва тематик чатларни ташкил этиш усуллари. Педагогларнинг тармоқдаги ҳамкорлиги.

Педагогнинг шахсий, касбий ахборот майдонини ташкил этиш. Электрон портфолио тушунчаси, таркиби, мазмуни ва имкониятлари. Ахборот технологиялари воситасида педагогнинг электрон портфолиосини

шакллантириш. Электрон ахборот-таълим мухитида педагогик жараённи лойиҳалаштириш.

Педагогик фаолиятда амалий дастурий воситалардан фойдаланиш, амалий дастурий воситалар ёрдамида электрон дарсликлар, тренажерлар, виртуал лаборатория машғулотларини яратиш усуллари. Офис дастурларида электрон ўқув-методик материалларини яратиш усуллари (Microsoft Word, Excel, Power Point ва б.). Web 2.0/3.0 технологиялари ва уларнинг ёрдамида электрон дидактик материалларни яратиш ва ўқув-тарбия жараёнида қўллаш.

Педагогик фаолиятда амалий дастурий воситалар химоясини таъминлаш. Аутентификациялаш ёрдамида химоялаш. Химоялаш воситалари.

IV. Амалий хорижий тил

4.1. Амалий хорижий тилни ўрганишнинг интенсив усуллари.

Хорижий тилни ўқитиш ва ўрганишдаги ислоҳотлар. Тил бўйича Европа стандарти ва унинг мазмуни. Тил алоқа (коммуникация) воситаси сифатида ҳамда тилга оид билим, малака ва кўникмаларни шакллантириш усуллари.

Амалий хорижий тилни ўрганишнинг интенсив усуллари: коммуникатив, интерактив мулоқот, вазиятли-иммитацион ўйинлар, дебатлар, аудио-визуал усуллар ва Интернет ресурслари.

Тилни муваффақиятли ўзлаштириш шарт-шароитлари: касбий интерактив мулоқот мухити, мулоқот клубларини ташкил этиш, ўзининг тил кўникмалари даражасини баҳолаш ва бошк.

Хорижий тилни ўрганишда нутқ фаолияти турлари (ўқиши, гапириш, тинглаб тушуниш, ёзув) бўйича компетенцияларни ривожлантириш усуллари.

Маданиятлараро мулоқот компетенцияси (ўзбек ва хорижий тилда сўзлашувчи халқлар маданияти, урф-одатлари, анъаналари ҳақида чет тилида гапира олиш).

Мулоқот мавзулари: кундалик ҳаётга оид (шахсий маълумот, оила ҳақида маълумот, бўш вақтни ўтказиш ва ҳоказо) ижтимоий ҳаётга доир, таълимга ва касбга йўналтирилган мавзулар.

Мутахассисликка оид матнларни ўқиши, уларни тушуна олиш, оғзаки баён эта олиш, ўз фани бўйича ўқув жараёнини ташкил этишда соҳага оид хорижий тилдаги атамалардан фойдаланиш.

V. Тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари

5.1. Тизимли таҳлил асослари.

Тизимли таҳлил ҳақидаги асосий тушунча ва тамойиллар. Тизимнинг хусусияти ва тузилмаси. Тизимли таҳлил методологияси. Тизимли таҳлилнинг йўналишлари. Тизимли таҳлилнинг шаклланиш ва ривожланиш босқичлари. Тизимли услугуб ва тизимли ёндашув. Аналитик тадқиқотлар асосида тизимли таҳлилни ташкил этиш. Аналитик методлар ёрдамида қарорлар қабул қилиш. Тизимли таҳлилда миқдорий ва сифат ёндашуви.

Педагогик вазиятларда қарор қабул қилиш усуллари. Талабалар индивидуал-психологик ҳамда креатив ривожланиш даражаларининг тизимли таҳлили.

5.2. Олий таълим жараёнини бошқаришда қарор қабул қилиш технологиялари.

Комплекс қарорлар чиқаришда тизимли таҳлил хусусиятлари. Қарорлар қабул қилишнинг асосий қоидалари ва таснифи. Қарор қабул қилиш даражалари. Қарор қабул қилиш босқичлари. Қарор қабул қилиш психологик жараён сифатида. Ўқув жараёнини бошқаришда қарор қабул қилиш технологиялари. Турли омиллар асосида қарор қабул қилишнинг методологик жиҳатлари. Қарор қабул қилишда моделлаштириш усуллари. Олий таълим жараёнини бошқаришда қарорлар қабул қилиш тажрибаси. Тизимли таҳлил ва қарор қабул қилишнинг ахборот таъминоти.

VI. Махсус фанлар

6.1. Технологик машиналар ва жиҳозларни лойиҳалаш асослари ва ишлаб чиқариш.

Технологик машиналарни лойиҳалаш асослари. Технологик жиҳозларнинг техник характеристикаларини: технологик жиҳозларнинг геометрик, кинематик ва куч характеристикаларини. Технологик жиҳозларнинг техник характеристикаларини аниқлаш. Суриш, кесиш тезлиги, шпинделнинг айланишлар частотасининг чегаравий қийматларини аниқлаш. Технологик жиҳозларнинг куч характеристикаларини аниқлаш. Бош ҳаракат юритмасини лойиҳалаш. Суриш ҳаракат юритмасини лойиҳалаш. Ёрдамчи ҳаракат механизмларини лойиҳалаш. Станиналар: материаллари, олдиндан тайёрлашга кўйиладиган техник талаблар. Тайёрлашнинг типавий технологияси. Шпинделлар: материаллари, техник талаблар, тайёрлашнинг типавий технологияси. Технологик жиҳозларни ишлаб чиқариш масалалари. Ривожланган мамлакатларда технологик жиҳозларни ишлаб чиқариш масалалари. Ўзбекистонда технологик жиҳозларни ишлаб чиқариш масалалари, муаммолари ва истиқболлари.

6.2. Машина ва жараёнлар пухталигининг назарий асослари.

Технологик тизимларнинг сифат кўрсаткичлари ва уларнинг ишламай қолиши. Пухталик кўрсаткичлари. Ишламай қолишлилар таснифи. Параметрик бузилишлар турлари. Вақт ўтиши билан ўзгармайдиган ёки тизимли омиллар. Таъсир этувчи ёки тасодифий ва бир ҳолда таъсир этувчи ёки вақт ўтиши билан ўзгарувчи омиллар турлари. Машина ва жиҳозларнинг бузилиш сабаблари. Технологик машина ва жиҳозларнинг пухталигини баҳолаш. Параметрик бузилишлар оқими кўрсаткичларини аниқлаш. Бузилишларнинг ўртача даврий такрорланиши (частотаси) ва станокларнинг иш (иш бажарган) вақти. Кетма-кет бирлаштирилган «п» элементлардан тузилган машина ва жиҳозлар тизимини бузилмай ишлашлик эҳтимоллиги. Станоклар ва станоклар комплексларини синаш. Станоклар ва станоклар комплексларини ишончлиликка синаш. Синовлар таснифи; синов режалари. Синов усуллари ва натижалари. Синовни ташкил қилиш ва маълумотлар тўплаш тизими.

Синов натижларини қайта ишлаб, пухталик кўрсаткичларини аниқлаш. Статистик маълумотлар йиғиш. Машина ва жараёнлар пухталигини ошириш усуллари. Машина ва жараёнлар пухталигини ошириш усуллари хақида умумий маълумотлар. Конструкторлик усуллари. Технологик усуллари. Пухталикни таъминлаш йўллари. Машиналардан ва ишлов бериш технологик жараёнларидан фойдаланиш даврида қўлланиладиган пухталикни таъминлаш усуллари. Резервлаш. Резервлаш турлари. Доимий ва ўрин алмаштириб резервлаш. Резерв элементлар сонини хисоблаб аниқлаш. Машина ва жараёнлар тизимини резервлаш методлари.

6.3. Машинасозликда сифатни бошқариш.

Маҳсулот сифатининг асосий кўрсаткичлари. Квалиметрия, унинг вазифалари. “Сифат” термини ва унинг турли (фалсафий, иқтисодий, техникавий) нуқтаи назардан ифодаланиши. Турли ташкилотларнинг ГОСТлари, маҳсулот сифатини белгилаш таҳлили, умумий хоссалари, функционал кўрсаткичлари: техникавий самарадорлик, пухталик, иқтисодий ва эстетик етуклик. Ресурсларнинг сақлаш кўрсаткичлари: хавфсизлик ва иқтисодий етуклик. Маҳсулотнинг сифат кўрсаткичлари ва рақобатбардошлиги ўртасидаги боғланиши. Стандартизация – маҳсулотнинг сифати ва рақобатбардошлигини таъминлаш асоси. Стандартизацияни илмий-техникавий ривожланиш билан боғланиши, “фан - ишлаб чиқариш техникаси” тизимида унинг ўрни. ИСО 9000 сифат стандартлари, тузилиши ва асосий талаблари. ИСО 9000 стандартларида сифатни бошқаришга ёндашиш хусусиятлари. Маҳсулот сифатининг даражасини баҳолаш. Сифат даражаси тўғрисида тушунча, унинг асосий кўрсаткичлари. Даражани баҳолаш усуллари: дифференциал, комплекс, аралаш. Маҳсулот сифати индекси, сортлаш коэффициенти, нуқсонли маҳсулотнинг индекси. Машинасозликда маҳсулотнинг сифатини текшириш усули. Машинасозликда маҳсулот сифатини бошқариш асослари. Маҳсулот сифатининг шаклланиш босқичлари, бозор ҳолати, ишлаб чиқариш имкониятларининг таҳлили, ишлаб чиқариш ва тайёрлаш, сифатни текшириш усулларини танлаш ва истеъмолчилар ҳамда буюртмачилар сифатга қўйган талаблардан келиб чиқиб, лойиҳаланаётган маҳсулотнинг сифат даражасини аниқлаш. Маҳсулот сифатини таъминлашга сарфланган харажатларни лойиҳа сифати билан боғланиши. Машинасозликда маҳсулот сифати ва рақобатбардошлигини бошқариш жараёнларини оптималлаштириш. Машинасозлик ишлаб чиқаришда маҳсулотлар ва буюмларнинг техникавий ресурси, хизмат кўрсатишнинг оптимал муддати. Сифатни аниқлашнинг мақсадли функцияси, унинг мақсади, турлари ва критериялари. Саноат роботларининг асосий тузилиши. Саноат роботларининг юритмалари. Саноат роботлари асосида мосланувчи ишлаб чиқариш комплекслари. Рақамли дастурий бошқариладиган дастгоҳлар асосида мосланувчи ишлаб чиқариш комплектларини яратиш асослари.

VII. Педагогик амалиёт

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларида педагогик амалиёт очиқ маъruzалар ва амалий машғулотлар ўтказиш, ўтилган дарсларнинг муҳокама қилиниши ва танқидий таҳлил этилишига асосланган ҳолда амалга оширилади.

Педагогик амалиёт қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишлари ва мутахассисликларининг ўзига хослигидан келиб чиққан ҳолда олий таълим муассасаларининг тегишли профиль кафедраларида ташкил этилади.

Амалий машғулотларни ташкил этиш бўйича кўрсатма ва тавсиялар

Амалий машғулотларда тингловчилар ўқув модуллари доирасидаги ижодий топшириқлар, кейслар, ўқув лойиҳалари, технологик жараёнлар билан боғлиқ вазиятли масалалар асосида амалий ишларни бажарадилар.

Амалий машғулотлар замонавий таълим услублари ва инновацион технологияларга асосланган ҳолда ўтказилади. Бундан ташқари, мустақил ҳолда ўқув ва илмий адабиётлардан, электрон ресурслардан, тарқатма материаллардан фойдаланиш тавсия этилади.

Мустақил таълимни ташкил этишининг шакли ва мазмуни

Мустақил таълим тегишли ўқув модули бўйича ишлаб чиқилган топшириқлар асосида ташкил этилади ва унинг натижасида тингловчилар битирув иши (ложиҳа иши) ни тайёрлайди.

Битирув иши (ложиҳа иши) доирасида ҳар бир тингловчи ўзи дарс берадётган фани бўйича электрон ўқув модулларининг тақдимотини тайёрлайди.

Электрон ўқув модулларининг тақдимоти қуйидаги таркибий қисмлардан иборат бўлади:

- Силлабус;
- Кейслар банки;
- Мавзулар бўйича тақдимотлар;

Бошқа материаллар (фанни ўзлаштиришга ёрдам берувчи қўшимча материаллар: электрон таълим ресурслари, маъруза матни, глоссарий, тест, кроссворд ва бошк.)

Электрон ўқув модулларини тайёрлашда қуйидагиларга алоҳида эътибор берилади:

- тавсия қилинган адабиётларни ўрганиш ва таҳлил этиш;
- соҳа тараққиётининг устивор йўналишлари ва вазифаларини ёритиш;
- мутахассислик фанларидаги инновациялардан ҳамда илгор хорижий тажрибалардан фойдаланиш.

Шунингдек, мустақил таълим жараёнида тингловчи касбий фаолияти натижаларини ва талабалар учун яратилган ўқув-методик ресурсларини “Электрон потрфолио” тизимига киритиб бориши лозим.

Дастурнинг ахборот-методик таъминоти

Модулларни ўқитиш жараёнида ишлаб чиқилган ўқув-методик материаллар, тегишли соҳа бўйича илмий журналлар, Интернет ресурслари, мультимедиа маҳсулотлари ва бошқа электрон ва қоғоз вариантидаги манбаалардан фойдаланилади.

Адабиётлар

I. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари:

1. И.А.Каримов. Озод ва обод Ватан эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз, 8-жилд. – Т.: “Ўзбекистон”, 2000.
2. И.А.Каримов. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз, 9-жилд. – Т.: “Ўзбекистон”, 2001.
3. И.А.Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т.: “Маънавият”. –Т.: 2008.-176 б.
4. И.А.Каримов. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. Т.: “Ўзбекистон”. –Т.: 2011.-440 б.
5. И.А.Каримов. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз, 7-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1999.
6. И.А.Каримов. Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда. – Т.: “Ўзбекистон”, 1996.
7. И.А.Каримов. Озод ва обод Ватан эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз, 8-жилд. – Т.: “Ўзбекистон”, 2000.
8. И.А.Каримов. Миллий истиқлол: мафкура – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончdir. – Т.: “Ўзбекистон”, 2000.
9. И.А.Каримов. Истиқлол ва маънавият. – Т.: “Ўзбекистон”, 1994.
10. И.А.Каримов. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. – Т.: “Шарқ”, 1998.
11. И.А.Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т.: “Маънавият”. –13. Т.: 2008.-176 б.
- 12.И.А.Каримов. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. Т.: “Ўзбекистон”. –Т.: 2011.-440 б.

II. Норматив-хуқуқий хужжатлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: “Ўзбекистон”, 2014.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 20 майдаги “Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1533-сон Қарори.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июнданги “Олий таълим муасасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-4732-сон Фармони.
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16-февралдаги “Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларни малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 25-сонли Қарори.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 26 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 278-сонли Қарори.
6. “Виждан эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни, “Ҳалқ сўзи”, 1998 й., 15 май 2- бет.
7. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар.- Т.: “Ўзбекистон”, 2000.
8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16-февралдаги “Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларни малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 25-сонли Қарори.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 20 майдаги “Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1533-сон Қарори.
10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 26 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 278-сонли Қарори.

III. Махсус адабиётлар

1. Азизходжаева Н.Н. Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат. – Т.: “Молия”, 2003. – 192 б.
2. Арипов М. Интернет ва электрон почта асослари.- Т.; 2000. – 218 б.
3. Баркалов С.А. Системный анализ и принятие решений.– “Воронеж”: НПЦ ВГУ,2010. 662с.
4. DUET-Development of Uzbekistan English Teachers- 2-том. CD ва DVD материаллари, Т. 2008.
5. Michael McCarthy “English Vocabulary in use”. Cambridge University Press, 1999, Presented by British Council.
6. Исмаилов А.А, Жалалов Ж.Ж, Саттаров Т.К, Ибрагимходжаев И.И. Инглиз тили амалий курсидан ўқув-услубий мажмуя. Basic User/ Breakthrough Level A1/-Т.: 2011. – 182 б.
7. Ишмуҳамедов Р., Абдуқодиров А., Пардаев А. Таълимда инновацион технологиилар (таълим муассасалари педагог-ўқитувчилари учун амалий тавсиялар). – Т.: “Истеъдод” жамғармаси, 2008. – 180 б.
8. Ишмуҳамедов Р., Абдуқодиров А., Пардаев А. Тарбияда инновацион технологиилар (таълим муассасалари педагог-ўқитувчилари учун амалий тавсиялар). – Т.: “Истеъдод” жамғармаси, 2009. – 160 б.
9. Норенков И.П., Зимин А.М. Информационные технологии в образовании. Учебное пособие.М.: Изд. МГТУ им. Н.Баумана.2002.-336с.
10. Симонович СВ., Евсеев Г.А., Мураховский В.И. WINDOWS: лаборатория мастера: Практическое руководство по эффективным приемам работы с компьютером - М.: АСТ-ПРЕСС: «Информком-Пресс», 2000. - 656 с.
11. Спицнадель В.Н. Основы системного анализа. Учебное пособие.– Санкт-Петербург: Издательский дом «Бизнес-пресса»,2000.–17с.

12. Зеер Э.Ф., Шахматова Н. Личностью ориентированные технологии профессионального развития специалиста. – Екатеринбург, 1999. – 244 с.
13. Саттаров Э., Алимов Х. Бошқарув муроқоти. – Т.: “Академия”, 2003. – 70 б.
14. Махмудов И.И. Бошқарув психологияси. – Т.: 2006. – 230 б.
15. Махмудов И.И. Бошқарув профессионализми: психологик таҳлил. – Т.: “Академия”, 2011. – 154 б.
16. Р.И. Биктимиров, В. А. Гречишников и др. Управление качеством в машиностроении. С-Пб.: Питер, 2005.-256 б.
17. Л.В.Перегудов, А.Н.Хашимов, И.К.Шалагуров, С.Л. Перегудов. Технологические оборудование автоматизированного производства.– Ташкент: «Узбекистан», 2001.-496 с.

Электрон таълим ресурслари:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Матбуот маркази сайти: www.press-service.uz
2. Ўзбекистон Республикаси Давлат Ҳокимияти портали: www.gov.uz
3. Axborot-kommunikatsiya texnologiyalari izohli lug'ati, 2004, UNDP DDI: www.lugat.uz, www.glossary.uz
4. Infocom.uz электрон журнали: www.infocom.uz
5. www.press-uz.info
6. www.ziyonet.uz
7. www.edu.uz